



Ўзбекистон Республикаси, Самарқанд шаҳри, Спитамен Шох кўчаси 157. Тел: +99895 500-22-42, +99891 528-24-46
e-mail: afrosiyobstandart@mail.ru

№ 02/ке

« 10 » сентябрь 2020 й.

Навоий вилояти Навоий шаҳри
«Elektrorimyozavod» қўшма корхонаси
Акциядорлик жамияти
бошқаруви раҳбариятига

МУСТАҚИЛ АУДИТОР ХУЛОСАСИ

Бажарувчи: MChJ shaklidagi «Afrosiyob audit standart» auditorlik tashkiloti.
Руйхат рақами: № 376, 2008 йил 24 март, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги
Лицензия: АФ № 00787, 2019 йил 5 апрел, Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги
Почта манзили: Самарқанд шаҳри, Спитамен шох кўчаси 157-уй.
Хисоб рақами: 2020 8000 004 691 763 001
Хизмат кўрсатувчи банк: МФО: 00282, АТБ «Турон банки» Самарқанд филиали
СТИР: 206 955 352

Буюртмачи: «Eektrokimyozavod» қўшма корхона акциядорлик жамияти
Почта манзили: Навоий шаҳри -9.
Хисоб рақами: 20214 000 902 152 567 001
Хизмат кўрсатувчи банк: МФО: 00198, АТБ «Микрокредит» Навоий филиали
СТИР: 200 000 097

Аудиторлик текшируви ташкилот аудитори Ў.Очилов томонидан унга Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги томонидан 2013 йил 23 феврал кунида берилган ҳамда 2018 йил 23 феврал кунида 5 (беш) йил муддатга узайтирилган № 05086 сонли аудиторлик малака сертификати ҳамда «Eektrokimyozavod» қўшма корхона акциядорлик жамияти 2020 йил 10 август кунида тузилган № 03/ХС сонли шартномага асосланиб, «Eektrokimyozavod» қўшма корхона акциядорлик жамиятининг 2019 йил 1 январдан 2019 йил 31 декабр кунигача бўлган даврдаги фойда ва зарарлар тўғрисидаги ҳисоботдан, умумлашган даромад тўғрисидаги ҳисоботдан, хусусий капиталдаги ўзгаришлар тўғрисидаги ҳисоботдан, пул оқимлари тўғрисидаги ҳисоботдан, шунингдек, жамиятни ҳисоб сиёсати ахамиятлари қоидаларининг қисқача таснифи ва бошқа изохловчи маълумотлардан иборат бўлган илова қилинаётган молиявий ҳисоботлари асосида ўтказилди.

Жамият раҳбариятини молиявий ҳисоботларн учун жавобгарлиги

Жамияти раҳбарияти мазкур молиявий ҳисоботларни Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига мувофиқ тайёрлаш ва ҳаққоний тақдим этиш, шунингдек жамият раҳбарияти молиявий ҳисоботларни халқаро стандартларга мувофиқлиги, молиявий ҳисоботларни тайёрланишида зарур бўлган ички назорат тизими, молиявий ҳисобот жиддий бузилишларга эга эмаслиги, молиявий ҳисобот ҳамда бошқа молиявий ахборотнинг қонун ҳужжатларига, шунингдек молиявий-хўжалик фаолиятининг ҳақиқий ҳолатига мувофиқлиги учун жавобгардир.

Аудитор жавобгарлиги

Биз томонимиздан ўтказилган аудит текшируви молиявий ҳисоботни ҳаққонийлигини, молиявий ҳисобот ҳамда бошқа молиявий ахборотнинг қонун ҳужжатларига, шунингдек молиявий-хўжалик фаолиятининг ҳақиқий ҳолатига мувофиқлигини баҳолашга асосланади. Биз аудиторлик текширувини Ўзбекистон Республикаси миллий стандарти ва Халқаро стандартига мувофиқ ўтказдик. Ушбу стандартлар этикавий меъраларга амал қилинишини талаб қилган ҳолда, шунингдек, аудит текширувини режалаштириш ва ўтказишда молиявий ҳисобот жиддий бузилишларга эга эмаслигига етарлича ишонч ҳосил қилинишини талаб қилади.

Аудиторлик текшируви молиявий ҳисоботдаги рақам кўрсаткичларини ишончлилигини тасдиқлаш ва ундаги маълумотларни аудиторлик исботлаш орқали ёритилишини ўз ичига олади. Эътиборсизлик ёки хатолик оқибатида молиявий ҳисоботда жиддий бузилиш ҳолатлари содир этилганда, аудиторни таваккалчилиги, иш тартибини танлаши аудиторни юқори малакалилигига боғлиқ. Ушбу таваккалчиликни баҳолаш жараёнида аудитор шароитдан келиб чиқиб, молиявий ҳисоботни тузилиши ва ҳаққонийлиги учун ички назорат тизимини самарадорлигига ташаккур билдириш фикрида эмас, балки ички назорат тизимини бажарадиган ишига эътибор қаратиши лозим. Шунингдек, аудит текшируви аудиторлик текширувидан ўтказилаётган ташкилотда қабул қилинган ҳисоб сиёсатини юналишини ва бухгалтериясини асослилигини ҳамда тақдим қилинган молиявий ҳисоботини умумий баҳолайди.

Биз томонимиздан олинган аудиторлик маълумотлар ушбу молиявий ҳисобот унинг ҳақиқий ҳолатини ҳаққоний акс эттирилишига ишонарли ва етарли асос беради.

Хулоса

Бизнинг фикримизча, хўжалик юритувчи субъект **“Ekektrokimyo zavod”** қўшма корхона акциядорлик жамиятининг 2019 йил 31 декабр ҳолатига молиявий ҳисоботи унинг молиявий аҳволини ҳаққоний акс эттиради ва мазкур хўжалик юритувчи субъект томонидан амалга оширилган молиявий ва хўжалик операциялари Ўзбекистон Республикаси миллий стандарти ва Халқаро стандарти талабларига мувофиқ келади.

MChJ shaklidagi **«Afrosiyob audit standart»** auditorlik tashkiloti direktori va auditori:



Ў.Очилов